

Истеъдодлиларни излаб

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-тандловини анъанавий равишда ўтказиб борилиши йўлга қўйилган. 2021 йил 19 март санаси институтимиз талабалари учун яна бир ажойиб кун сифатида муҳрланди. Сабаби институт «Маданият саройи»да бир неча йиллардан бери ўтказилиб, ўз сафига минглаб ёшларни чорлаган «ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР» кўрик-тандлови бўлиб ўтди. Тандловда барча факультетлардан жамоалар янги таркиб, янги иқтидорлар билан ўз чиқишлиарини намойиш қилди.



Жумладан, "Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш" факультетининг «Позитив», "Қишлоқ хўжалигини механизациялаш" факультетининг «Сармоячи», "Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти" факультетининг «Коктейль», "Гидромелиорация" факультетининг «Ноилож», "Гидротехника" факультетининг «Гидрол айф», "Гидромелиоратив ишларни механизациялаш" факультетининг «Оригинал», "Ер ресурсларини бошқариш" факультетининг «Таваккал» жамоалари иштирок этишди.



Тандлов якунларига қўра яққол ғолиб деб «Коктейль» жамоаси эътироф этилди. 2-ўрин «Сармоячи» жамоаси шоввозларига насиб қилди ва 3-ўринни «Ноилож» жамоаси қўлга киритди. Тандловда фаол иштирок этган ва энг шўх йигит, энг шўх қиз номинациялари бўйича ғолиб бўлган талабалар қимматбаҳо совғалар ва дипомлар билан тақдирланди. Бу йилги кўрик-тандловимиз ғолиблари кўчма кубок ва қимматбаҳо совғалар ва маҳсус сертификатлар билан тақдирланди. Жамоалардаги янгича ёндашиш ва иштиёқ институтга таклиф этилган меҳмонларда ҳам қизиқиш уйғотди ва ёшларга ўз тавсияларини бериб ўтишди. Тандловни томоша қилиш учун институтимиз профессор ўқитувчилари ҳамда талабари, шунингдек, пойтахтимизнинг бошқа олий таълим даргоҳлари талабалари ҳамда "Браво" жамоасининг етакчилари ҳам ташриф буюришди.



Бу тандловнинг ўтказилишидан мақсад қайси факультет жамоаси олдинда эканлигини аниқлаш эмас, аксинча институтимиз енгилмас «ТАРФИБОТ» жамоасига янги аъзоларни тўплашдан иборат эди. Инсон ажиб бир хилқат, ҳар бир инсоннинг алоҳида истеъододи, қизиқиши ва интилиши бўлади. Агар сизда ҳам шундай қобилияtlардан бор бўлса, биз сизни «САФИМИЗГА ЧОРЛАЙМИЗ!!!»

ТИҚҲММИ матбуот хизмати